

## Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 730-ҳадис

730/1463 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَيْسَ عَلَى الْمُسْلِمِ فِي فَرَسِيهِ وَعُلَامَاهِ صَدَقَةٌ».

730.1463. Абу Хурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мусулмоннинг зиммасида оти ва ғуломи учун закот йўқ»**, дедилар».

**Изоҳ:** Имом Абу Юсуф ва имом Мухаммад раҳматуллоҳи алайҳимо ушбу ҳадисни далил қилиб, «Отдан закот берилмайди» дейишган. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳ эса имом Доракутний ривоят қилган **«Яйловда ўтлайдиган ҳар бир отда бир динор ёки ўн дирҳам закот бор»**, деган ҳадисни далил қилиб, «Яйловда ўтлайдиган отдан закот берилади. Юқоридаги ҳадисда эса улов ва ҳарбий мақсадларда ишлатилаётган отлар назарда тутилган», деб айтганлар (**«Ҳидоя»**).

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

